



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG'I**

2021 yil "18" 09

№ 230

Toshkent sh.

**Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида
ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни олишда очиклик ва
шаффофликни таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғликни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, республика тасарруфидаги клиникалар бўлимлари кесимида мавжуд ўринлар сони, шу жумладан бўш ўринлар сони, Давлат бюджети хисобидан қопланадиган ҳамда пуллик асосда кўрсатиладиган тиббий хизматлар турлари ва уларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотларни;

Ихтисослаштирилган бепул тиббий ёрдам кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни ҳамда иловага мувофиқ шакллантирилган соҳага оид норматив-хукуқий хужжатлар рўйхатини расмий веб-сайтларда жойлаштирилишини ва мунтазам янгиланиб борилишини таъминласин.

2. Ихтисослашган марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Ж. Артиков) Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, республика тасарруфидаги клиникалар томонидан маълумотларни расмий веб-сайтларда мунтазам янгиланиб борилиши юзасидан назорат ўрнатсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари У. Сабиров зиммасига юклатилсин.

Вазир

А. Хаджибаев

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2021 йил 18 сентябрдаги 230-сон
буйруғига илова

Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида” 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қашқадарё вилояти соғликни сақлаш муассасаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2938-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4191-сон қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон қарори

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сон қарори

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон қарори

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлиқни сақлаш тизимида экспериментни тугаллаш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 8 июндаги 264-сон қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 14 мартағи 136-сон қарори

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 7 апрелдаги 191-сон қарори

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг Намунавий уставини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 14 октябрдаги 826-сон қарори

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган нейрохирургия ёрдами кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 24 октябрдаги 867-сон қарори

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика онкология ва радиология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази эҳтиёжлари учун ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг олиб кирилиши ва олиб чиқиб кетилишини узлуксиз таъминлаш тўғрисида” 2018 йил 1 февралдаги 72-сон қарори

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 октябрдаги 842-сон қарори